

Унинг мислини келтира олмаслар...



16:00 / 13.06.2019 2582

Аллоҳ таоло биз мусулмонларга Иломни неъмат, Ўзининг энг маҳбуб пайғамбари – Муҳаммад алайҳисаломни пайғамбар қилиб юборди ҳамда у зотга Ўзининг энг афзал китоби – Қуръони каримни нозил этди. Бу неъматлар шарофати билан биз қиёмат куни бошқа умматлар учун гувоҳлик берадиган ўрта уммат даражасига кўтарилдик.

Иломни то қиётматгача келадиган умматлари учун гўзал бир дин сифатида етказган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам биз учун тўртта буюк меросни қолдирдилар:

1. Қуръони карим;
2. Қуръони каримнинг баёни бўлган суннат ва сийрат;
3. Рисолат (Қуръони карим ва суннат асосида барпо этилган шариат);

4. Саҳобалардан бошлаб, то бугунги кунгача ушбу рисолат асосида яшаётган уммат.

Расулуллоҳ алайҳиссаломдан қолган тўрт меросдан энг буюги – Қуръони карим айни пайтда у зотга берилган улкан мўъжиза ҳамдир! Зеро, Аллоҳ таоло барча пайғамбар алайҳимус саломларга уларнинг ҳақ пайғамбар эканини исботлаш учун мўъжизалар берган. Аммо аввал ўтган пайғамбарларга берилган мўъжизалар ҳиссий бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган мўъжиза эса бошқа биронта пайғамбарга берилмаган. Бу мўъжиза замонлар ўтса ҳам боқий туради!

Қуръони карим ўша пайтда араблар орасида донг таратган фасоҳат, балоғат, баён, адабиёт ва шеърят каби йўналишларни ўзида мужассамлаб, шу жиҳати билан жоҳилият арабларини беллашувга чақирди. Дастлаб худди Қуръони карим каби бир китоб келтиришга чақирди. Улар ожиз қолишди. Сўнг уларни ўнта сура келтиришга чақирди, улар бунга ҳам ожизлик қилишди. Ҳеч бўлмаса Қуръонга мислича бир сура келтириш буюрилганида, улар мағлубиятни тан олишди. Бу ҳақида Қуръонда бундай дейилади:

«Айтинг: Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириш учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар» (Исро сураси, 88-оят).

Аллоҳ таоло бу беллашувга муддат қўймади. Қиёматгача ҳаракат қилса ҳам ҳеч ким Қуръонга ўхшаш бирорта оятни келтира олмайди.

Олам бу китоб олдида ҳануз ожизлигича қолмоқда. Баъзилар унинг бадииятини ва ундаги юксак гўзал баённи эътироф этишса, яна баъзилар шаръий ҳукмларнинг ҳар замон ва ҳар макон учун мутаносиблиги олдида лол қолишмоқда. Яна бошқалар эса унинг бугунги кундаги илмий мўъжизалари олдида ҳайратларини яшира олишмаяпти.

Қудратуллоҳ Сидиқметов

тайёрлади